МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МЕЗОНЛАР

М.М.Қодиров

Мақолада меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлилигини белгиловчи мезонлар масаласи ёритилган. Ушбу мезонларни ишлаб чиқишнинг бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари касбий лаёқатларини тарбиялаш, уларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги аҳамияти кўрсатилган.

Калит сўзлар: *компетентлилик, меҳнат таълими, таълим, мезон, ривожланиш, шаклланиш.*

В статье освещен вопрос о критериях, определяющих профессиональную подготовку учителей трудового обучения. Показана роль разработки данных критериев в формировании профессиональной компетентности и в подготовке к дальнейшей трудовой деятельности.

Ключевые слова*: компетентност, трудовое обучение, обучение, критерий, развитие, формирование.*

This article discusses the criteria of labor training, because it is an important link in the activities of educational institutions that allow pedagogical collectives mobilize to improve the performance of work, quality, organization of labor training in the educational area «Technology» and the development of the initiative, creative, adventurous personality, process her self-determination and self-realization in the future professional career.

Key words: *labor education, education, category, development, formation.*

Ўзбекистон Республикасида жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари каби ўқув технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий тарбия тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлиш имкониятларини кенгайтиришга мустаҳкам замин яратилмоқда. Эндиликда мамлакатнинг иқтисодиёти, инсонлар ҳаёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ахборот-технологик ривожланишнинг ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техника соҳаларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Шу маънода малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири – бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, муаммоли ўқитиш, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутади [1].

Мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, бу борада қабул қилинган қонун ва фармойишлар жамиятимиз равнақига ижобий таъсир қилиши шубҳасиздир. Улар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган, етук, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади [2].

Бироқ бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий лаёқатларини тарбиялашга, ўқитувчиларнинг касбий лаёқатлилик технологияларига асосланган касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги омилларни қайд этиш мумкин:

- олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялашда уларни педагогик технологияларни амалиётда қўллашга тайёрлашнинг илмий асосланган тизими мавжуд эмаслиги;
- фан, техника ва технология тараққиётининг бугунги даражаси билан бўлажак меҳнат таълим ўқитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялаш ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги компетентлилигини таъминлаш жараёни орасида номувофиқликнинг мавжудлиги;
- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш борасида тўпланган илғор тажрибаларнинг амалиётга етарлича жорий этилмаганлиги;
- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялаш мустақил таълимини ташкил этиш имконини бе-

М.М.Қодиров *– Низомий номидаги ТДПУ катта илмий ходим изланувчиси*

рувчи ўқув-методик мажмуаларнинг етарлича яратилмаганлиги.

Шахснинг касбий тарбияланганликдаги лаёқати дейилганда нимани тушунмоқ керак деган саволга жавоб ўрнида С.И.Ожеговнинг рус тили изоҳли луғатидаги [3] ушбу таърифни келтирамиз: «лаёқатли – бирор соҳада билувчи, хабардор, обрўли».

«Компетенция – 1. Кимдир яхши хабардор бўлган масалалар доираси. 2. Кимнингдир ваколатлари, ҳуқуқлари доираси». Чет тиллар изоҳли луғатида «лаёқатли – маълум соҳада билимдон, хабардор одам; ўз билимлари ва ҳуқуқлари бўйича бирор нарсани қилиши, бирор нарса ҳақида ҳукм чиқариши мумкин бўлган одам».

Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида чоп этилган «Олий таълим» луғат-маълумотнома тўпламида «Компетентлик – лот. comptens – тегишли, лаёқатли» деб изоҳланган [4].

Умумлаштириб айтганда, «лаёқатлилик» «... шахснинг эгаллаган билимларига, унинг ўқув ва ҳаётига, тажрибасига асосланган, билиш фаолияти ва таълим амалиёти натижасида ривожлантирган мустақил амалга ошириладиган қобилиятдир». Ўз навбатида, лаёқатлилик дейилганда «атроф борлиқ ёки фаолиятнинг одам лаёқати билан эгаллаши лозим бўлган соҳаси (доираси) деб тушуниш» мақсадга мувофиқдир. Демак, лаёқат аниқ вазиятда намоён бўлади, у индивид лаёқатини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишда муҳим омилдир.

Шундай қилиб, касбий лаёқатлилик – бу меҳнат субъектининг (мутахассис ёки жамоанинг) кундалик фаолиятидаги вазифаларни ва мажбуриятларни бажаришига касбий тайёргарлиги ва қобилиятидир.

Демак, меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлилигини шакллантиришнинг ташкилий-методик мезонлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин [5]:

Меҳнат таълим мазмунининг шахсга йўналтирилганлиги. Мазкур мезоннинг амалга оширилиши бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини қуйидаги йўналишда ўзгартиришни кўзда тутади:

- ўқитувчининг бир бутун шахс сифатида ривожланиши;
- ўқитувчи онгининг касбий фаолияти йўналишида қайта йўналтирилиши;
- ўқитувчининг касбий фаолиятига татбиқ этиши лозим бўлган идеал ва қадриятларни ўзлаштириши.

Ушбу мезон ортидан қуйидагилар аниқланади:

- биринчидан, ўқитувчининг шаклланиш жараёнини лойиҳалашнинг интеграл тавсифда эканлигини таъкидлайди;
- иккинчидан, уни лойиҳалашнинг аниқ шаклларини белгилайди;
- учинчидан, ўқитувчининг ижодий куч-қувватини ишга солиш йўлларини ҳамда воситаларини кўрсатиб беради.

Бу билан уни педагогика фани ва амалиёт босиб ўтган йўлни қайта такрорламасликка олиб келади [6].

Касбий фаолиятнинг педагогик аксланиш (рефлексия) мезони. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлилиги шаклланиш жараёнида мазкур мезоннинг амалга оширилиши ўқитувчида ўзини шахс сифатида доимий такомиллаштириб боришга бўлган эҳтиёжини тарбиялайди. Бунинг учун у касбий фикрлаш, рефлексив сифатларини ривожлантиради, аниқ касбий фаолиятни амалга ошириш учун мақсадга мувофиқ бўлган шакл ва методларни шакллантиради. Бу ўринда асосийси – касбий фаолият, яъни мақсад, фаолиятни амалга ошириш шароитлари тўғрисида тушунчалар, ҳаракат дастури, фаолият натижаларини баҳолаш мезонлари, фаолият натижаларини баҳолашни рационал йўлга қўйиш ҳолатларининг аниқланишидир [7]. Мазкур мезон ўқитувчи ҳаракатларининг тавсифини ҳамда усулларини белгилаб беради. Бунинг учун ўқитувчининг педагогик маданият тимсоли сифатидаги касбий фаолият модели унинг касбий хулқи учун намуна бўлиб қолади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг касбий такомиллашувга интилувчанлигини оширувчи шахснинг маънавий-ахлоқий қарашларини фаоллаштиради.

Муаммо моҳиятини ёритишда «касбий компетентлиликни шакллантириш» категориясини замонавий педагогик категориялар билан бир қаторда тадқиқ қилинади. Дастлаб касбий сифатлар шаклланиш жараёнининг педагогик жиҳатларини шахс ривожланиш жараёнидан фарқлаб олишга эътибор қаратилди.

Биринчи ҳолатда касбий сифатлар шаклланиши шахс ривожланиш шаклларидан бири, иккинчидан эса касбий сифатлар шаклланиши шахсни ривожлантириш (мустақил таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларида) воситаси сифатида қаралади. Ҳар икки жиҳат ўртасида «бир бутун - қисм» кўринишдаги тарбия, ижтимоийлашув кабилардан иборат муносабат юзага келади.

Шарқнинг буюк алломалари ўз ижодларида меҳнат қилишни, касб-ҳунар эгаллашнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтганлар. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Абдураҳмон Жомий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Югнакий ва Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар меҳнатни, касб-ҳунарни улуғлаганлар. Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) буюк нақшбандийлик таълимотининг асосчиси бўлиб, «Дил ба ёру, даст ба кор»,

яъни «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деб ўргатганлар. Буюк мутафаккир Алишер Навоий деярли ҳар бир асарида ҳунар ўрганишни, ҳалол меҳнатни улуғлаганлар. Жумладан, «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод тилидан шундай ёзади: «Ҳунарни асрабон неткумдир охир, Олиб тупроққаму кетгумдир охир» [8].

Таълим олувчилар билим ва малакаларни қуйидаги тартибда эгаллашлари мумкин: ўқитувчи мавзуни баён қилаётганда диққат билан тинглаш ва унинг асосий мазмунини аниқлаш; ўқитувчи баён этаётган материал моҳиятини эшитишга ва керакли жойларини ёзиб олишга, диққатни тўғри тақсимлашга жалб қилмоқ; китоб билан мустақил ишлай олиш (қисқа муддатда адабиётдан керакли маълумот олиш, фойдаланиш учун маъқул усулларни ўрганиш, матн манбаларини таҳлил қилиш, ўқитувчи маслаҳатлари ва методик қўлланмалардан фойдаланиш); китобларни, маърузаларни, фильмларни, спектаклларни, телекўрсатувларни, таржима матнларни, электрон китобларни мустақил таҳлил қилиш; мустақил таълим олиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш учун ўз-ўзини назорат қилиш; ўрганилаётган манбани солиштириш, таққослаш ва асосли мантиқий ечимини исботлаш; ўрганилаётган манбадан янгиликларни ажратиб олиш; муҳокама қилиш [9].

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлилигини белгиловчи фазилатлар таълим муассасаларида ёшларнинг шахсий ривожланиши, уларнинг мустақил фикрлаш, ижодкорлик, фаоллик, муносабатларининг чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, характер ҳамда дунёқарашларининг турғунлиги, ўз-ўзини назорат қилиш ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Бўлажак касб эгалари учун таълим муассасаларида таълим олиш жараёни – бу меҳнат фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда аҳамиятли саналган касбий сифатларни ривожлантириш ҳамда ўзўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Таълим олувчилар ушбу жараёнда билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва истиқболда касбий фаолиятини ташкил этишда улардан самарали фойдаланиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

Демак, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлилигини шакллантиришда умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш, мамлакатимиз мустақил тараққиётини янада такомиллаштиришда ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, замонавий техника ва технологияларни муайян соҳаларга татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишларига алоҳида аҳамият берилади. Замонавий мутахассис ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб бориши, истиқболдаги тараққиёт йўналишлари ҳамда юзага келувчи муаммоларни ечиш йўлларини кўра билиши лозим. Касбий компетенти шаклланган ёшларни касбга йўналтириш ва тайёрлашда касб эгаларига нисбатан ҳурмат ҳиссини, касбий ғурурни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Ожегов.С.И. Словарь русского языка. М.: Издательство «Русский язык» 1990.
4. Олий таълим (луғат–маълумотнома). Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида. Тузувчилар: М.Х. Саидов, Л.В.Перегудов, З.Т.Тоҳиров.– Т.: Молия, 2003
5. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003.
6. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004.
7. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006.
8. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2004.
9. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.

2014 йил 2 майда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. С.Ниёзов)